

IQTISODIY TADQIQOTLAR
ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ,
ECONOMIC RESEARCH

ILMIY JURNALI

1
2021

**TOSHKENT DAVLAT IQTISODIYOT
UNIVERSITETI**

“IQTISODIYOT” FAKULTETI

**IQTISODIY TADQIQOTLAR
(ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ,
“ECONOMIC RESEARCH)**

ILMIY JURNALI

1

2021

Toshkent

**1
2021**

**Elektron ilmiy jurnal
Научный журнал
Scientific magazine**

**IQTISODIY TADQIQOTLAR ILMIY
JURNALI**

MUASSIS

Toshkent davlat iqtisodiyot
universiteti

Tahrir kengashi raisi:

Abduraxmonov Qalandar Xodjayevich – i.f.d., prof.,
akademik

Tahrir kengashi:

Eshov Mansur Po'latovich- i.f.d., professor
Abduraxmonova Gulnora Qalandarovna – i.f.d., professor
Xudoyqulov Sadriddin Karimovich – i.f.d., professor
Begalov Baxodir Abdusalovich– i.f.d., professor
Bekmurodov Adxam Sharipovich- i.f.d., professor
Vaxabov Abduraxim Vasikovich- i.f.d., professor
Maxmudov Nosir Maxmudovich- i.f.d., professor
Salimov Baxtiyor Tadjiyevich- i.f.d., professor
Mustafaqulov Sherzod Igamberdiyevich- i.f.d., professor
Jumayev Nodir Xosiyatovich- i.f.d., professor
G'ofurov Ubaydullo Vaxabovich- i.f.d., professor
Xolmo'minov Shayzaq Raxmatovich- i.f.d., professor
Amirov Lochinbek Fayzullayevich – i.f.n., PhD
Xatamov Ibodullo Sadullayevich – i.f.n., dosent
Asqarova Mavluda Turopovna– i.f.n., dosent
Xajiyev Baxtiyor Dushaboyevich– i.f.n., dosent
G'ayibnazarov Sanjar Baxodirovich – i.f.n., dosent
Kamalova Malika Nizamovna– i.f.n., dosent
Mamaraximov Begzod Erkinovich- i.f.n., dosent

Tahrir hay'ati:

Begzod O'rinov– (AQSh)
Uktam Burxanov – (Chexiya)
Bozorboy Berkinov – i.f.d. (O'zbekiston)
Mark Rozenbaum (AQSh)
Wolfgang Lukas (Germaniya)
N.V.Morozov (Rossiya)
Viktoriya Vdovichenko (Ukraina)
Gulyabmir Raxmani (Afg'oniston)
Axmed Muxamed Aziz Ismail (Misr)
Kaukab Azim (Saudiya Arabistoni)
Sherqul Shodmonov (Toshkent)
Rauf Salaxodjayev (Toshkent)
Axmedjon Mamatov (Toshkent)
Ju Jengron (Xitoy)
Jou Chingjiye (Xitoy)

© ISSN 2181-4457

**IQTISODIY TADQIQOTLAR ILMIY
JURNALI**

**1
2021**

**Elektron ilmiy jurnal
Научный журнал
Scientific magazine**

Bosh muharrir:

Eshov M.P.- i.f.d., prof.

Adabiy muharrir

Xajiyev B.D.- i.f.n., dots.

Bosh muharrir o'rinbosari

Amirov L.F. - PhD

Musahhih:

Jurnal sahifalarida chop etilgan materiallardan foydalanilganda "Iqtisodiy tadqiqotlar" ilmiy jurnalidan olindi deb ko'rsatilishi shart. Tahririyat taqdim etilgan maqolalarni taqriz qilish va qaytarish majburiyatini olmagan. Maqolada keltirilgan dalillar va ma'lumotlar uchun muallif javobgar.

Veb-sayt manzili: <https://economicresearch.tsue.uz>

E-mail: economicresearchjournal@gmail.com

MUNDARIJA

IQTISODIYOT, INNOVASIYA VA TADBIRKORLIK NAZARIYA VA AMALIYOT		
Xajiyev B.D.	Milliy iqtisodiyotda daromadlar taqsimoti adolatliligini ta'minlashning konseptual asoslari	5
Mamatov A.A. Erkayev A.N.	O'zbekiston iqtisodiyotini transformasiyalashuvi jarayonida investision mexanizmning roli	13
BARQAROR IQTISODIY RIVOJLANISH: MAKROIQTISODIY YONDOSHUV		
Maxmudov N.	Innovatsion faoliyatning asosi – intellektual salohiyat	24
Amirov L.F.	O'zbekistonda qishloq xo'jaligi sohasini rivojlantirish muammolari	33
INSON RESURLARINI BOSHQARISH, IJTIMOIIY SIYOSAT VA BANDLIK		
Goyipnazarov S.B., Saidov N.R., Yuldoshev S.	Human capital and methodological aspect of calculating it: a global approach	45
Irmatova A.B., Isamuxamedov B.B.	O'zbekistonda kambag'allik holatining tahlili	57
Qosimov A.A.	Mehnat bozorining rivojlantirish va aholi bandligini ta'minlash yo'llari	72
TARMOQLAR IQTISODIYOTI VA REAL SEKTORNI KOMPLEKS RIVOJLANTIRISH		
Salimov B.T., Salimov B.B.	Kichik va o'rta biznesni innovasion rivojlantirish	81
Yusupov M.S., Ismoilova G.T.	Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini qayta ishlash tizimini rivojlantirish mexanizmlari	86
Salimov Sh.B.	Kichik va o'rta biznesda innovasion faoliyatni rivojlantirish	103
TILSHUNOSLIK VA PEDAGOGIKA: ILM-FAN RIVOJLANTIRISH YULLARI, MUAMMOLAR, TAXLIL VA NATIJA		
Muhitdinova M.S.	Muqimiy ijodining yetakchi xususiyatlari	109
Kamalova M.N.	Модернизация системы языковой подготовки студентов неязыковых вузов Узбекистана	124
Xolmatova Sh.M.	Профессиональная компетенция в процессе преподавания русского языка как иностранного	131

IQTISODIYOT, INNOVASIYA VA TADBIRKORLIK NAZARIYA VA AMALIYOT

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти,
иқтисодиёт фанлари номзоди Б.Д. Хажиев**

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ДАРОМАДЛАР ТАҚСИМОТИ АДОЛАТЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

Ушбу мақолада миллий иқтисодиётда яратилган даромадларни қайта тақсимлаш жараёнлари, уларнинг адолатлилиги ва самарадорлигини баҳолаш мезонлари, унга таъсир қилувчи табиий омиллар ва инсоний фазилатлар каби масалалар ёритилган. Шунингдек, қайта тақсимлаш жараёнларининг адолатлилигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар берилган.

Таянч сўзлар: тақсимот, бирламчи ва иккиламчи тақсимлаш жараёнлари, даромад, истеъмол ва жамғармага мойиллик, бузғунчи ижтимоий муносабатлар.

КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ СПРАВЕДЛИВОГО РАСПРЕДЕЛЕНИЯ ДОХОДОВ В НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКЕ

В статье обсуждаются такие вопросы, как перераспределение доходов, созданный в национальной экономике, критерии оценки их справедливости и эффективности, природные факторы, влияющие на это, и человеческие качества. Также дано научные предложения и практические рекомендации для обеспечения справедливости и эффективности процессов перераспределения.

Ключевые слова: распределение, процесс первичной и вторичной распределении, доход, склонность к потреблению и сбережению, деструктивные социальные отношения.

CONCEPTUAL FRAMEWORK FOR ENSURING A FAIR DISTRIBUTION OF INCOME IN THE NATIONAL ECONOMY

The article discusses such issues as the redistribution of incomes created in the national economy, criteria for assessing their fairness and efficiency, natural factors affecting this, and human qualities. Scientific proposals and practical recommendations were also given to ensure fairness and efficiency of the redistribution processes.

Key words: distribution, the process of primary and secondary distribution, income, propensity to consume and save, destructive social relations.

Кириш. Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларида даромадларни қайта тақсимлаш механизмларини такомиллаштириш асосида аҳоли реал даромадларини изчил ошириш муҳим масалалар қаторида белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2021 йилнинг - “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”¹ - деб эълон қилиниши ҳам мамлакатда тақсимот жараёнларининг адолатлилиги ва самарадорлигини ошириш орқали ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тизимининг мантикий давомидир.

Шу нуқтаи-назардан Ўзбекистонда даромадлар қайта тақсимотини давлат томонидан тартибга солиш, унинг адолатлилигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш муаммолари ҳозирги куннинг устувор вазифаларидан бири саналади. Аммо, республикада ушбу муаммога қаратилган илмий тадқиқотлар деярли мавжуд эмас. Бу эса, ўз навбатида, мазкур йўналишда илмий тадқиқот ишларини чуқурлаштиришни талаб қилади ва танланган мавзунинг нақадар долзарб муаммога бағишланганлигини кўрсатади.

Тадқиқот ишининг мақсади миллий иқтисодиётда унинг субъектлари томонидан яратилган даромадларни қайта тақсимлаш жараёнларининг адолатлилигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Адабиётлар таҳлили. Тақсимот жараёнларининг илмий-услубий, назарий ва амалий жиҳатлари алоҳида тадқиқот йўналиши сифатида хорижлик иқтисодчи олимлардан А.Смит, Д.Рикардо, Дж.М. Кейнс, Д.Норт, К.Р.Макконел, С. Брю ва бошқаларнинг илмий ишларида атрофлича таҳлил қилинган.

Тақсимот жараёнларини давлат томонидан тартибга солиш муаммолари МДХ олимлари Л.И.Абалкин, Л.И.Якобсон, С.Г.Шагинян, Г.Козлова, М.Шагиахмедов, А.П. Дудевич, Т.Ф.Юткина, С.И.Ожегов ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ўрганилган.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Ш.Ш.Шодмонов, Т.Т.Джураев, А.В.Ваҳобов, Б.Б.Беркинов., Р.Р.Хасанов, А.Ўлмасов ва бошқаларнинг илмий изланишларида тақсимот жараёнларининг босқичлари, турлари ва амал қилиш қонуниятлари муайян даражада ўрганилган.

Бироқ, ҳозирги кунгача олиб борилган илмий тадқиқот ишларида даромадларни қайта тақсимлаш механизмларининг амал қилиш қонуниятлари, тамойиллари, уларни давлат томонидан тартибга солиш воситалари, айниқса, тақсимот жараёнларининг адолатлилиги ва самарадорлигини аниқлаш усуллари эътибордан четда қолган. Ушбу ҳолат танланган мавзунинг долзарблигини билдиради.

Тадқиқот методологияси. Ушбу тадқиқот ишида илмий абстракция, диалектик тадқиқот, индукция ва дедукция, мақсадли ривожлантириш, монографик кузатув, тизимли ва қиёсий таҳлил, эксперт баҳолаш ва иқтисодий статистик усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <https://review.uz/oz/post/poslanie-prezidenta-uzbekistana-shavkata-mirziyoyeva-oliy-majlisu>

Тақсимот жараёнларининг адолатлилиги ва самарадорлигини баҳолашда урта асосий концепция мавжуд. Булар утилитаризм, эгалитаризм ва либертарианизм концепцияларидир.

Утилитаризмда ижтимоий фаровонлик функцияси индивидуал нафлилик функциялари йиғиндиси сифатида ифодаланади. Ушбу ёндашувга кўра, жамият фаровонлиги одамларнинг ютуқларидан иборат бўлади, давлат эса, якуний натижани максималлаштиришга ҳаракат қилиши лозим. Утилитаризм асосчиси И.Бентам “кўпроқ одамларга кўпроқ бахт”² тамойилини асос қилиб олган. Ушбу тамойил жуда тор маънода бўлса ҳам, қайта тақсимотни оқлашга қаратилган. Унинг заминида индивидуал нафлиликларни таққослаш мумкинлиги тўғрисидаги тахминлар туради, чунки таққослаб бўлмайдиган қийматларни қўшиб ҳам бўлмайди. Бу ерда даромаднинг ошиши билан унинг сўнгги қўшилган бирлигининг нафлилиги пасайиши ва маълум пул суммаси субъектив қийматининг камбағалларга нисбатан бойлар учун пасайгани тушунилади. Бундан хулоса қилишимиз мумкинки, нафлилик нуқтаи-назаридан, қайта тақсимлаш натижасида бойлар йўқотишларига қараганда камбағаллар эга бўлишлари мумкин бўлган самара кўпроқ экан. Шу тариқа жамиятда бахтнинг умумий миқдори ортиб боради.³

Либертарианизм вакиллари даромадни жамият эмас, унинг аъзолари олишларини таъкидлайдилар. Ушбу концепцияга мувофиқ давлат, ҳатто даромадларни адолатли тақсимлаш учун ҳам, одамлардан бирон-бир нарсани бошқалар фойдасига олиб қўйишга ҳақли эмас. Либертариантлар нуқтаи-назаридан давлат фақат Парето мезонига жавоб берадиган ўзгаришларга кўмаклашиши шарт ва мажбурий қайта тақсимлашни умуман қўллаб бўлмайди. Либертариизм вакиллари ушбу фикрларни, шунингдек индивидуал эркинликлар ва хусусий мулк ҳуқуқларининг устуворлигини алоҳида таъкидлаб ўтганлар.⁴

Бунга қарама-қарши ҳисобланган эгалитаризм концепцияси эса, тенглик устуворлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, жамоа ҳолатларини тарғиб этади. Жамоавий ёндашув нуқтаи-назаридан жамият фаровонлиги бу либертариистлардаги алоҳида шахсларнинг фаровонлиги эмас, утилитаризм концепцияси сингари индивидуал нафлилик йиғиндиси ҳам эмас. Бу жамиятнинг олий манфаатларига жавоб берадиган шундай неъматки, унда жамият яхлит организм каби фаолият юритади, одамлар эса, унинг аъзолари вазифаларини бажарадилар. Бунда даромадлар тенгсизлиги шароитига унчалик мос келмайдиган бирдамлик ва ҳамжихатлик ҳис-туйғуси шахсий ютуқлар ва одамларнинг эркинлигига қараганда юқорироқ баҳоланади. Эгалитаристлар давлат томонидан даромадларни тенглаштириш фаолияти тарафдорлари бўлганлар⁵.

² История экономических учений. // Под ред. В.Автономова. -М.: ИНФРА-М. 2002. -с. 99

³ Олейник А.Н. Институциональная экономика. -М.: ИНФРА-М. 2018. -с.129.

⁴ Ronald Hamowy The Encyclopedia of Libertarianism // The London. 1937 // <https://books.google.co.uz/books?id=vxNgXs3TkJYC&printsec=frontcover&hl=ru#v=onepage&q&f=false>

⁵ Якобсон Л.И. Экономика общественного сектора основы теории государственных финансов. -М.: Финстатинформ. 1995. -с.23.

Эгалитаризмнинг алоҳида варианты – бу адолатлиликни тадқиқ этишга бағишланган Роулз ёндашувидир. Роулзианизм жамиятда ҳар бир шахс ижтимоий кафолатларга эга бўлишга манфаатдорлигини таъкидлайди. Роулз ёндашуви “билмаслик пардаси” деб номланган ҳаёлий тажриба билан тавсифланади.

Унинг моҳияти қуйидагича. Агар бир инсон адолатлилик тўғрисида фикр юритса ва фикрларини барча учун аҳамиятли деб ҳисобласа, у эгаллаб турган мавқеи билан боғлиқ манфаатлардан йироқ бўлиши лозим. Бу инсон ҳар бир одамнинг ҳаёти давомида ижтимоий мавқеи ўсиши ёки пасайиши эҳтимоли борлигини тушуниши керак. “Билмаслик пардаси” дегани, инсон ўзининг келажаги ҳақида аниқ маълумотга эга бўлмаган шароитдагина ўз хоҳиш-иродасини белгилашидир. Роулзианизм бўйича одамлар бу ҳолда асосан аҳволи энг ёмон бўлган жамият аъзоларининг ҳолатини яхшилашга қаратилган тақсимлаш сиёсатини танлайдилар.

Эгалитаризм, хусусан роулзианизм, даромадларнинг мутлоқ тенглигини талаб қилмайди. Даромадлар мутлоқ тенг бўлса, иқтисодий фаолият билан шуғулланиш учун рағбатлар йўқолади ва натижада жамият барча аъзоларининг, шу жумладан, камбағалларнинг ҳам аҳволи ёмонлашиши мумкин. Шунинг учун эгалитаристлар, утилитаристлар каби самарадорлик ва тенглик талаблари ўртасидаги мurosани топишга ҳаракат қиладилар. Бироқ, утилитаристлар меъёрий қайта тақсимот зарурлигини айтиб ўтган бўлсалар, роулзианизм вакиллари - ушбу иқтисодий самарадорлик даражасида мумкин бўлган максимал қайта тақсимот мақсадга мувофиқлигини таъкидлаб ўтадилар. Ижтимоий сиёсатни ишлаб чиқишда жамиятнинг энг қашшоқ аъзосининг фаровонлигини ошириш манфаатлари кўзда тутилиши керак, яъни, ялпи нафтиликни максималлаштиришга эмас (утилитаристлар айтганидай), балки минимал нафтиликни оширишга ҳаракат қилиш керак. Ж.Роулзнинг бу қондасига максимин мезони дейилади⁶.

Ж.Роулзнинг қарашлари мунозарали бўлсада, улар даромадлар қайта тақсимотини ижтимоий суғуртанинг бир шакли сифатида кўриб чиқишга имкон беради, яъни, “билмаслик пардаси ортидаги бошланғич манзил” нуқтаи-назаридан қаралса, даромадлар қайта тақсимоти суғурта сиёсатига ўхшаб кетади. Худди шундай, давлат солиқ сиёсатини камбағаллар фойдасига амалга оширганда, улар ўзларини қашшоқлик эҳтимолидан суғурталашга ҳаракат қилишади, чунки одамлар хавф-хатарнинг юқори даражасини қабул қила олмайдилар.

Юқорида келтирилган утилитаризм, либертаризм ва эгалитаризмнинг тавсифлари тизимли тарзда берилган. Улар адолатлилик концепциялари тўғрисида оз бўлса ҳам тушунча шаклланишига қаратилган.

Ушбу концепцияларнинг ҳар бири замонавий жамиятларда қўлланиладиган адолат тушунчасини англашда у ёки бу томоннинг чегарасини белгилаб беради.

XX асрда иқтисодий фаоллик ва аҳоли даромадларини тартибга солиш сиёсатини амалга ошириш борасида бир нечта назариялар вужудга келди. Уларда

⁶ Мэнкью Г. Принципы экономикс. -СПб.: -Питер. 2003. -с.358

асосий эътибор жамғаришга кейинги қўшилган мойилликни ҳисоблашга қаратилади. Фикримизча, ушбу муаммони илмий жиҳатдан батафсил кўриб чиқиш лозим, чунки, жамғармалар қайта тақсимлаш манбаи бўлиб, иқтисодий фаолликка ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Ж.М.Кейнс томонидан мамлакат иқтисодиётига истеъмолчилар ҳатти-ҳаракати таъсири бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, у яратган назария ҳозирги кунгача иқтисодий таҳлилнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Ушбу назария истеъмолга кейинги қўшилган мойилликка асосланган.

Ж.М.Кейнс истеъмолга кейинги қўшилган мойилликни психологик қонуният асосида аниқлайди. Унинг фикрича, одамлар даромадлари ошиши билан истеъмолни кўпайтиришга мойил бўладилар, аммо, истеъмол ўсиш даражаси даромадларнинг ўсиш даражаси билан тенг бўлмайди.

Истеъмолга кейинги қўшилган мойиллик (MPC) - бу даромаднинг ҳар бир қўшилган пул бирлигидаги истеъмол улушидир:

$$MPC = \Delta C / \Delta DI \quad (1)^7$$

Кейнс истеъмол функциясига таъсир қиладиган асосий омилларни аниқлаган:

1. Истеъмол (C) - бу ихтиёрида бўлган даромад (DI) функциясидир.
2. Даромад (DI) ўсиши билан истеъмолга кейинги қўшилган мойиллик (MPC) пасаяди.

Қоидага асосан, MPC доимо 1 дан кам бўлади, бу дегани, бозорда мувозанат бузилган шароитда ялпи талаб ялпи таклифга тенг келмаса ҳам, истеъмолнинг ўсиши даромад ўсиши даражасидан ошмайди, шунинг учун ҳам вақт ўтиши билан бозорда талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанат тикланади. Шу билан бирга, истеъмолга ўртача мойиллик фақат даромад кичик бўлган ҳолда 1 дан катта бўлади. Бу дегани, фақат кам таъминланган оилалар даромадларининг асосий қисмини истеъмолга сарфлайдилар ва ҳатто заҳираларни ҳам сафарбар этадилар. Истеъмолчиларнинг даромадлари ўсиши билан уларнинг харажатлари таркиби ҳам ўзгаради. Даромадлар ўсиши билан жамғармалар улуши, яъни, солиқлар тўлангандан кейин даромаднинг истеъмолга кетмаган қисми ошади.

Бизнинг фикримизча, иқтисодиёт субъектларининг даромад даражасига қараб уларнинг қайси қисми миллий маҳсулотни охиригача истеъмол қилмасликка мойиллигини ва шунга мос равишда маблағларни мамлакат иқтисодиётига оптимал қайтариш учун яратилган товар ва хизматларнинг қанчасини қайта тақсимлаш кераклигини аниқлаш лозим. Бунинг учун амалиётга даромадлар қайта тақсимланадиган қисмининг мультипликатори тушунчасини киритиш мақсадга мувофиқ. Унга асос сифатида мувозанатлаштирилган бюджет мультипликаторини олишимиз ва ушбу жараёни қуйидагича ифодалашимиз мумкин:

$$M = 1/(c+m) - (1 - (c+m))/(c+m) \quad (5)^8$$

Бу ерда: **c** – жамғармаларга кейинги қўшилган мойиллик, **m** – импортга кейинги қўшилган мойиллик. Уларнинг қиймати 1га тенг бўлади, яъни, даромадларнинг ўсиши давлат харажатлари ва солиқларнинг ўзгаришига тенгдир.

⁷ Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. Пер.с англ. - М.: Гелиос АРВ, 1999. - с. 352.

⁸ Муаллиф ишланмаси

Ушбу тенгламанинг иккинчи қисмида солиқ мультипликатори ифодаланган бўлиб, унинг қиймати оддий мультипликатордан кичикроқ бўлади. Чунки, давлат маблағларни жамғармасдан иқтисодиётга йўналтиради. Мазкур моделда мультипликатор қиймати ҳам салбий, ҳам ижобий бўлиши мумкин, яъни, агар солиқ тўловчиларда қолдирилган маблағ уларни бошқаларга қайта тақсимлашга қараганда каттароқ акселераторга эга бўлса, унда қайта тақсимот натижасида ЯИМ камаяди. Ёпиқ иқтисодиётда бундай фарқ одатда нолга тенг бўлади, аммо, очик иқтисодиёт шароитида акселератор қийматини белгилайдиган кўрсаткич – бу ялпи ички маҳсулотнинг истеъмол қилинмаган қисмидир.

Жамғармалар бўйича яна бир муҳим концепция М.Фридмен назарияси⁹да ўз ифодасини топган. У ўлчанадиган даромад (Y) ва ўлчанадиган истеъмол (C) доимий ва вақтинчалик қисмлардан иборатлигини таъкидлаб ўтган:

$$Y = Y_p + Y_t \quad (6)^{10}$$

$$C = C_p + C_t \quad (7)^{11}$$

М.Фридмен доимий даромадни (Y_p) истеъмолчи узоқ вақт давомида олиши кутилаётган даромад сифатида белгилаган. Унинг қиймати шу одамнинг истеъмоли миқдосига, тўплаган капитали миқдorigа, шунингдек яшаш жойи, ёши, касби, маълумоти, ирқи ва миллатига боғлиқдир. Вақтинчалик ёки тасодифий даромад эса (Y_t) тасодифлар қаторига киритилган барча “бошқа” омилларнинг таъсирини акс эттиради, гарчи улар баъзида режалаштириб бўладиган натижалар бўлса ҳам. Шу билан бирга, М.Фридмен ўз илмий тадқиқотларида вақтинчалик даромаднинг кутилмаганлик, тасодифий хусусиятини ҳам таъкидлаб ўтади. Унга кўра, тасодифий даромад истеъмолчиларнинг узоқ муддатли ҳатти-ҳаракатларига жиддий таъсир кўрсата олмайди, деган хулосани беради.

Доимий даромадлар назариясининг марказий жиҳатларидан бири – бу вақтинчалик даромад истеъмолга таъсир қилмайди, деган қарашдир. М.Фридменнинг фикрича, олинган жами вақтинчалик даромад жамғаришга олиб қўйилади, узоқ муддатли истеъмол даражаси эса, доимий даромад билан белгиланади. У “камбағаллар янада қашшоқлашади, бойлар эса, бойиб кетаверади” деган фикрни нотўғри деб ҳисоблайди, чунки унинг фикрига кўра, кам даромадлилар жорий даромадлари паст синф эмас, балки вақтинчалик даромадлари паст даражадагилардир. Унинг сўзларига кўра, вақтинчалик юқори даромад фақатгина омад билан эмас, балки катта риск, шунингдек, тадбиркорлик қобилияти ва пул ишлаш маҳорати билан ҳам боғлиқдир. Унинг фикрича, оила жамғармаларини шакллантиришда асосий ўринни тасодифий омиллар эгаллайди¹².

М.Фридмен томонидан аниқланган доимий даромад ва истеъмол ўртасидаги зич боғлиқликка ишониш мушкул ва уни муайян давр доирасидан ташқарида кўриб чиқишда ноаниқлик мавжудлиги таъкидлаш лозим. Унинг ушбу ғояси мазкур назария орқали инқироз даврида даромадлар ҳажми ва иш жойларидаги ноаниқлик шароитида жамғармалар ҳаракатини тушунтиришда маълум шубҳалар туғилишига

⁹ Фридман М. Если бы деньги заговорили. Пер. с англ. - М.: Дело, 1999. - 160 с.

¹⁰ Фридман М. Если бы деньги заговорили. Пер. с англ. - М.: Дело, 1999. - 149 с.

¹¹ Ўша манба.

¹² История экономических учений // Под ред. А.Д.Худокормова.- М.: 1999. -с. 126.

сабаб бўлди. Бунинг яққол тасдиғини 80-90-йилларда АҚШда жамғарма меъёрининг пасайиши кўриш мумкин. 1980 йилда жамғарма меъёри 10,2% ташкил этган бўлса, 2000 йилда бу кўрсаткич ихтиёрида бўлган даромадларнинг 1% ни ташкил этди¹³.

Бизнинг фикримизча, Фридменнинг даромадларни доимий ва вақтинчалик турларга бўлиш тўғрисидаги концепциясини уларнинг ҳар бир турини қайта тақсимлаш нуқтаи-назаридан таҳлил қилиш лозим. Асосини иш ҳақи ташкил этувчи доимий даромадлар вақтинчалик даромадга нисбатан пастроқ даражада қайта тақсимланиши мақсадга мувофиқ. Доимий даромадлар давлат хизматларини молиялаштириш мақсадида солиққа тортилиши керак ва улар солиқ тўловчиларнинг манфаатларига максимал даражада боғланган бўлиши лозим. Чунки, биринчидан, доимий даромадлар катта ижтимоий аҳамиятга эга; иккинчидан, улар барқарор ҳисобланади; учинчидан, вақтинчалик даромадлар жамғармаларнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади ва доимий даромад билан таққослаганда ижтимоий аҳамиятга эга бўлмаган даромад ҳисобланади, шунинг учун уни кўпроқ қайта тақсимлаш мақсадга мувофиқдир (бу ҳолат лотерея ютуқларини юқори ставкаларда солиққа тортиш ва ҳоказоларда аксини топган). Шу билан бирга, жамғармалар инвестиция манбаи эканлигини ҳам ёддан чиқармаслик керак.

Хулоса.

1. Тақсимот жараёнларининг адолатлилиги ва самарадорлигини баҳолашда ушбу асосий концепция мавжуд бўлиб, уларнинг умумий жиҳатлари ижтимоий фаровонлик омиллари ва улардан унумли фойдаланиш йўллари излашдан иборат. Аммо, ушбу муаммони ёритишда уларнинг концепциялари бир – биридан сезиларли даражада фарқ қилади. Ушбу концепцияларнинг барчаси замонавий жамиятларда қўлланиладиган адолат тушунчасини англашда у ёки бу томоннинг чегарасини белгилаб беради.

2. Иқтисодиётда тақсимот жараёнларининг самарадорлигини баҳолашда жамғаришга кейинги қўшилган мойилликни ҳисоблашга масаласи жуда катта илмий-амалий аҳамиятга эга. Чунки, жамғармалар қайта тақсимлаш манбаи бўлиб, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Ушбу муаммони тадқиқ қилишда Ж.М.Кейнснинг истеъмолга кейинги қўшилган мойиллик назариясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

3. Даромадларни самарали қайта тақсимлашда асосини иш ҳақи ташкил этувчи доимий даромадларни вақтинчалик даромадга нисбатан пастроқ даражада қайта тақсимлаш мақсадга мувофиқ. Доимий даромадлар давлат хизматларини молиялаштириш мақсадида солиққа тортилиши керак ва улар солиқ тўловчиларнинг манфаатларига максимал даражада боғланган бўлиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

¹³ Экономика США // Под ред. В.Б.Супяна. СПб, 2003. С. 405

1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси* // <https://review.uz/oz/post/poslanie-prezidenta-uzbekistana-shavkata-mirziyoyeva-oliy-majlisu>

2. *История экономических учений.* // Под. ред. В.Автономова. -М.: ИНФРА-М. 2002.

3. *История экономических учений* // Под ред. А.Д.Худокормова.- М.: 1999.

4. Кейнс Дж.М. *Общая теория занятости, процента и денег.* Пер.с англ. - М.: Гелиос АРВ, 1999.

5. Мэнкью Г. *Принципы экономикс.* -СПб.: -Питер. 2003.

6. Олейник А.Н. *Институциональная экономика.* -М.: ИНФРА-М. 2018.

7. Смит А. *Исследование о природе и причинах богатства народов.* - М.: Эксмо. 2016.

8. Фридман М. *Если бы деньги заговорили.* Пер. с англ. - М.: Дело, 1999.

9. Якобсон Л.И. *Экономика общественного сектора основы теории государственных финансов.* -М.: Финстатинформ. 1995.

10. *Экономика США*// Под ред. В.Б.Супяна. СПб, 2003.

11. Ronald Hamowy *The Encyclopedia of Libertarianism* // *The London. 1937* // <https://books.google.co.uz/books?id=yxNgXs3TkJYC&printsec=frontcover&hl=ru#v=onepage&q&f=false>

12. Bigsten A., Levin J. *Growth, Income Distribution, and Poverty: A Review* // WIDER Discussion Paper 129. World Institute for Development Economics research (WIDER), Helsinki, November 2001